



132

у.р. "18" апрел

№ 527-к

Самарқанд т-р Самарқанд

“Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Оқмачит” маҳалласида фуқаро Мукумова Заррина Асатиллоевнага кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ва сотиш шаҳобчаси ҳамда савдо дўкони қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида.

Самарқанд шаҳар Университет хиёбони 17а уй 4 хонадонда яшовчи фуқаро Мукумова Заррина Асатиллоевна туман ҳокими номига “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Оқмачит” маҳалласи ҳудудидан кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ва сотиш шаҳобчаси ҳамда савдо дўкони қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосаси, “Қишлоқурилишлойиха” масъулияти чекланган жамиятининг 2014 йил 3 ноябрдаги 11-14/528 сонли хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тadbирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тadbиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Самарқанд шаҳар Университет хиёбони 17а уй 4 хонадонда яшовчи фуқаро Мукумова Заррина Асатиллоевнага “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Оқмачит” маҳалласи ҳудудидан кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ва сотиш шаҳобчаси ҳамда савдо дўкони қуриш учун 363 м.кв қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Мукумова Заррина Асатиллоевнага кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ва сотиш шаҳобчаси ҳамда савдо дўкони қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиха ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров